Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 2 МАРТ, ЧОРШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (13.107)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗУЛФИЯ ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Баҳорнинг илк куни таниқли жамоат арбоби, садоқат ва вафо куйчиси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд топган кун.

Анъанага кўра шоира ҳайкали ўрнатилган майдонда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Маънавият ва тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Зулфия доимо эъзозда" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, ижодкорлар, депутатлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, шоира ижодининг мухлислари, шогирдлари ва яқинлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий адабиётимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар эъзозланаётгани, адабий мероси кенг тарғиб этилаётгани ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Халқимизнинг беназир шоираси Зулфиянинг баҳор нафаси, она табиатга, ҳаётга муҳаббат ғоялари сингдирилган ижоди кўнгилларга самимият, шу муқаддас заминга, унинг меҳнатсевар, заҳматкаш, фидойи инсонларига, мўътабар онахону дилбар опа-сингилларга чуқур эҳтиромга йўғрилганлигини фахру ифтихор билан ёдга олдилар.

Юртбошимиз томонидан халқимизнинг севимли шоираси, вафо ва садоқат тимсолига айланган Зулфияхоним номини абадийлаштириш, унинг нозиктаъб шеърияти, нафис ижодига ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани мамлакатимизда хотин-қизлар, уларнинг жамият ва тараққиётдаги ўрни ва нуфузига берилган юксак баҳо ва эътироф эканлигидан далолатдир.

Бугунги кунга келиб 200 дан зиёд заковатли, билимли, иқтидорли қизлар ушбу юксак мукофот билан тақдирланди. Улар фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича ютуқларга эришиб келаётганлигини фахр ва ифтихор билан айтиш мумкин бўлган "Зулфияхоним қизлари"дир.

(Давоми 3-бетда)

"ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАЙДИГАН ВА РАҚОБАТЛАШИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ЁШЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА"

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида улардан кенг қўлланилаётгани мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган экспертлар доираларида жонли қизиқиш уйғотмоқда ва улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири Тошкентдаги Инха университети вакиллари билан республикамиз технологик тараққиётининг истиқболлари юзасидан суҳбатлашди.

Жумладан, **мазкур олий ўқув юртининг профессори Парк Се Гэн** ахборот-коммуникация технологиялари жабҳаси глобал иқтисодиётда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Унинг айтишича, бу соҳа шитоб билан ривожланмоқда, бозорда янги ва янги маҳсулотлар ҳамда хизматлар пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда дунё хўжалигида ахборот-коммуникация технологиялари жабҳасининг ҳиссаси 5,5 фоизни ташкил этмоқда. Экспертларнинг башорат қилишларича, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 9 фоизга етади.

— Ўзбекистон бу жараёнлардан четда турмаётгани ҳолда мамлакат мазкур жабҳани ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эгадир, — деди у. — Мен 1,5 йилдан буён Ўзбекистонда яшаяпман. Шу боис бу йўналишда эришилаётган муваффақиятлардан таъсирланаяпман. Чунки смартфонлар учун янги таклифлар ишлаб чиқилмоқда, ўтказилаётган турли IT танловларида ёш авлод вакиллари фаол иштирок этишмоқда.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратишни истар эдим: Ўзбекистон ҳам худди Корея Республикаси сингари таълим ва малакали кадрлар тайёрлашга фаол сармоя йўналтирмоқда. Улар ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда иқтисодиётдаги инновацияларнинг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади.

Ишончим комилки, Жанубий Кореядаги Инха университетининг Тошкентда бўлими очилгани дунёга янги маҳсулот ва хизматларни таклиф этадиган мутахассислар тайёрлашга кўмаклашади.

Ўз навбатида, **Тошкентдаги Инха университети проректори Чо Во Суг** бугунги даврни ахборот асри, деб ҳисоблайди. Унинг айтишига қараганда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат пойтахтида Жанубий Кореядаги университет бўлимини очиш тўғрисидаги қарори жуда тўғри ва ўз вақтида чиқарилган қарор бўлди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабининг навбатдаги битирувчиларига сертификат ва кўкрак нишонлари топширилди.

● Навоийда "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусида конференция ўтказилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуди кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, ижодкор-ёшлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

● Бобур номидаги Андижон давлат университетида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси томонидан "Фарзандлар камоли – юрт истиқболи" мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди. Семинарда қонун устуворлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг истеъмол маданиятини юксалтириш мавзуларида маърузалар тингланди.

● Бухорода "Ёшларда интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг ҳудудий кенгашлари фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Мексикада Зика безгаги ўткир юқумли касаллиги билан оғриганлар сони 120 кишидан ортиб кетди. Таъкидланишича, улар орасида 11 нафар ҳомиладор аёллар ҳам бор.

● Хитойда аҳолидаги мавжуд қурол-яроғ устидан назорат қилиш кампанияси бошланди. Маълумотларга кўра, эндиликда ушбу мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хусусий шахслардан топилган ҳар қандай қурол ёки портловчи моддани мусодара қиладилар.

● Профессионал боксчилар 2016 йили Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ушбу таклиф узоқ вақт давомида кўриб чиқилди ва тез орада AIBA ташкилотининг 70 йиллиги муносабати билан бу ҳақда қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ўтиб – 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бу билан мамлакатимиз халқаро муносабатларда сиёсатининг очиқлигини, холислигини, барча давлатлар билан ҳамкорлик тарафдори эканини эълон қилди.

2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ватанимиз тарихига муҳим воқеа сифатида муҳрланган ўша кундан эътиборан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. 1993 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида БМТ билан ижчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан бутун дунё учун муҳим бўлган кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ғояси алоҳида ўрин тутади. Мазкур ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ислом Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш, Орол муаммосини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам муҳим масалалар сифатида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида аёллар барча жабҳада ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришмоқда.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбирлари мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Ду ЯНЬЦЗЮНЬ, Замонавий халқаро алоқалар академияси президенти ёрдамчиси (Хитой):

– Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган алоҳида модда жой олгани диққатга сазовор.

Мамлакатингизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалиб бормоқда. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётир. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстлик, бир-бирига бўлган ҳурмат ва ишонч, халқларимизнинг ўзаро манфаатли алоқалари натижасида Хитой – Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар катта самаралар бермоқда.

Ока КУРУМИ, бадиий гимнастика бўйича мураббий (Япония):

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилаётир. Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортнинг бир неча тури билан шуғулланиб, соғлом бўлиб улғаймоқда, катта спортга қадам қўймоқда. Мамлакатингизда бадиий гимнастика ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон хотин-қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини ривожлантириш, илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Давлатингиз томонидан аёлларни эъзозлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган эътибор ҳавас қилса арзигулик.

Ўзбек аёллари гўзаллиги, меҳрибонлиги, ораставлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Латофатли қизларнинг юз-кўзида фаровон ҳаётидан мамнунлик, бахтиёрлик ҳисси мужассам. Бу Ўзбекистонда хотин-қизлар алоҳида эътибор ва ғамхўрлик оғушида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи, қадр-қиммати юқори эканидан далолатдир.

(Давоми 3-бетда)

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган Мингйиллик саммитида халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир таклифларни билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалий натижаси бўлди.

2010 йили мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжат икки халқаро ташкилотнинг салоҳиятини янада оширишга, минтақада ва бутун дунёда тараққиётга, хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимизда БМТ ва унинг қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Улар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Ўзбекистоннинг БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз шаҳарларидаги кўплаб обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шашмақом, катта ашула, Наврўз ва аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тарғиб этилмоқда. Самарқандда ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш борасидаги дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Улар болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва уларни иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, репродуктив саломатлик хизматларини кенгайтириш сингари соҳаларни қамраб олган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда БМТ тузилмалари билан биргаликда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ҳамда бошқа қатор мавзуларга бағишланган йирик халқаро анжуманлар ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Мазкур нуфузли анжуман Ўрта асрлар аллома-ларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини таҳлил этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

2014 йилнинг 6 июнида пойтахтимизда ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуидаги халқаро конференция арафасида Тошкентда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ваколатхонаси очилди. Мазкур ваколатхона Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти – ЮНВТО билан ҳамкорлик самарасида мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз сайёҳлик соҳасида олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётир. 2014 йил октябрь ойида Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси юртимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти халқаро микёсда эътироф этилаётганининг яна бир карра тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб келади. Хусусан, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, минтақада яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан.

2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Оролбўйида бўлиб, экологик бухрон оқибатлари билан бевосита танишди. Бу Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этган воқеа бўлди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган "Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури" БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2015 йил июнь ойида мамлакатимизга расмий ташриф билан келгани БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканининг яна бир ифодасидир. Президентимиз Ислом Каримов билан мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экология муаммоларини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва наркотрафик хавфига қарши курашиш каби масалалар бўйича фикр алмашилди.

2015 йилда БМТ ташкил топганининг 70 йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишларда ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлик доирасида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари дунё ҳамжамиятида глобал масалаларга эътиборнинг кучайишига, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

"ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАЙДИГАН ВА РАҚОБАТЛАШИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ЁШЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА"

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маълумки, Инха университети ахборот-коммуникация технологиялари ва инжиниринг соҳаларида халқаро мезонлар даражасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади, — деди Чо Во Суг. — Мазкур таълим муассасасининг Тошкент бўлимида худди Кореядаги асосий олий ўқув юртимиздаги сингари замонавий услублар қўлланиладиган ўқув дастурлари асосида таҳсил берилади. Улар халқаро андозаларга тўла мосдир. Мутахассислик бўйича асосий фанлар хорижлик профессорлар томонидан ўқитилади. Ўқув жараёни бошдан охир инглиз тилида олиб борилади.

Университет энг замонавий ўқув хоналари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Физика бўйича махсус лаборатория Корея Республикасидан олиб келинган. Ҳамма қаватларга Wi-Fi ўрнатилган. Олий ўқув юртида етакчи мутахассислар ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатадиган компаниялар вакиллари билан тез-тез учрашувлар ташкил этилади. Бундай тадбирлар ишлаб чиқариш ва ўқув жараёни интеграциясини таъминлаши билан бирга талабаларга индустриянинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлишларига кўмаклашади.

Чо Во Суг ҳозирги пайтда Тошкентдаги Инха университетида янги ўқув биноси қурилиши устида иш олиб борилаётганини ҳам маълум қилди. У ерга 500 кишига мўлжалланган конференция зали, 200 ўринли аудитория, бир неча янги ўқув хонаси ва лаборатория жойлашади. Шунингдек, таҳсил бериш жараёнида масофадан туриб таълим бериш ва FLIP Learning сингари ўқитиш услубларини қўллаш ҳам режалаштирилмоқда.

— Умуман олганда, Ўзбекистонда замонавий фикрлайдиган ва рақобатлашишга қодир бўлган ёшлар тарбияланмоқда, — деди Тошкентдаги Инха университетининг проректори. — Бу йўналишда кенг қамровдаги тизимли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётгани катта эътиборга сазовордир.

"Жаҳон" АА.
Сеул



Отил Гулямов олган сурат

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТДАН ҚАЙТДИ

Тошкент темир йўл вокзалида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларнинг бир гуруҳи тантанали кутиб олинди.

Тадбир Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Н.Ғаппоров, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси М.Зикриллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг чақирувдан захирага бўшатишгача бўлган жараёни қайта кўриб чиқилиб, замонавий талабларга мувофиқлаштирилганини таъкидлади. Бугун миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ҳарбий хизматчи учун зарур ва келгусида ҳаётда асқотадиган билим ҳамда кўникмаларга эга бўлмоқда.

– Бир йилда ўғлим ўзгариб, теран фикрлайдиган ва журъатли бўлибди, – дейди ЎзА мухбирига Ангрен шаҳридан Малика Назирова. – Жисмонан бақувват ва тик қадди унинг феъл-атвори қатъийлашганидан далолат беради.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган аксарият ўғлонлар ота-онасини нафақат маънавий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан ижобий ўзгаргани, балки олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини берувчи тавсияномаларга эга бўлгани билан ҳам хурсанд қилмоқда. Улар орасида Одил Назиров ҳам бор.

– Муддатли ҳарбий хизматни муносиб ўтаганимдан фахрланаман, – дейди Одил. – Хизмат давомида билим ва кўникмаларимни бойитиб, командирларим кўрсатмаларига қатъий амал қилишга ҳаракат қилдим. Мақсадим олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, офицер бўлиш ва ҳарбий санъат сирларини ўрганишда давом этишдир.

М.ҚАРШИБОЕВ

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Пойтахтимиздаги А.Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Ҳар бир ёшга бир ниҳол" шиори остида экологик акция ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофазалашда уларнинг фаоллигини кучайтиришга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. "Ҳар бир ёшга бир ниҳол" акцияси ана шундай лойиҳалардан биридир.

Экологик акция давомида мутахассислар ёшларга атроф-муҳит мусаффолиги, инсон саломатлигини асрашда яшил ҳудудларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. "Экосан" халқаро хайрия жамғармаси вакиллари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига мамлакатимизнинг бетакрор табиати, диёримизнинг сўлим гўшалари акс эттирилган адабиётлар ва плакатларни тақдим этди.

– Бугунги акция доирасида ҳудудимизга мевали ва манзарали кўчатлар экилди, – дейди ЎзА мухбирига 22-Меҳрибонлик уйи директори Ш.Бердиева. – Биз доимо болаларга табиатга дўстона муносабатда бўлиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борамиз. Тарбияланувчиларимиз ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшаётганидан мамнун.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Суғурта хизматлари молия бозорининг муҳим қисми ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич ривожланиш жараёни суғурта бизнесини юритишда халқаро амалиётга жавоб берувчи суғурта хизматларининг кенг кўламини тақдим этаётган суғурта тизими асосларининг шаклланишини таъминлади.

СИФАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

Республика суғурта бозорининг ривожланиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун қўшимча асослар яратилишига кўмаклашади. Олиб борилаётган соҳага оид ислоҳотлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда суғурта хизматларининг кенг спектри, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фуқаролар соғлиги, уларнинг молмулки суғуртаси бўйича хизматлар тақдим этувчи суғуртачиларнинг бутун тармоғи фаолият юритмоқда.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар ва жорий йилдаги режалар хусусида сўз борди.

1994 йилда ташкил этилган, юртимиз суғурта бозорида энг юқори Устав жамғармасига эга "Ўзбекинвест" компаниясининг ўтган даврдаги халқаро суғурта бозоридаги фаол иштироки, ҳудудий тармоқларни ташкил этиш, хизматлар сифатини ошириш ва кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилиши борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида унинг халқаро ва миллий суғурта бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келишига сабаб бўлмоқда. Компаниянинг молиявий ишончлилиги суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш кафолати ва мижозларини суғурта ҳимояси билан таъминлашни самарали амалга ошириш имконини беради.

"Ўзбекинвест" компанияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида янги суғурта бўлинмаларини очиш фаолият географиясини кенгайтириш борасида доимий иш олиб бормоқда. Биргина ўтган 2015 йил давомида 14 та янги суғурта бўлимлари очилиб, ҳудудий бўлинмаларнинг умумий сони 151 тага етказилди, шулардан 14 таси ҳудудий филиаллар ва 137 таси суғурта бўлимларидир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.Таъкидлаш жоизки, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишида суғурта хизмати ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўтган йили компания томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича қабул қилинган мажбуриятлари 219,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Матбуот анжуманида компания хизматлари сифатини яхшилаш, мавжуд суғурта турлари, суғурта шартномаси шартлари, суғурта товонини тўлаш тартиблари ҳақида аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, 2015 йилнинг февраль ойида "Ўзбекинвест" компанияси Ўзбекистондаги корхоналар орасида биринчи бўлиб, ISO 9001:2015 янги стандарти бўйича қайта сертификатланди.

Мижозларга суғурта масалалари юзасидан, жумладан суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта ҳодисалари бўйича зарур ҳужжатларни жамлашда кўмак берувчи ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳлар компаниянинг Марказий аппарати ва ҳудудий филиалларида ўз фаолиятини юритмоқда.

Тадбир якунида аҳоли ва тадбиркорларнинг суғурта маданияти даражасини ошириш ва компания фаолияти очиқлигини таъминлашда бундай давра суҳбатларининг аҳамияти катта эканлигига эътибор қаратган ҳолда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига ҳамда "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонунининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й., 40-сон, 410-модда) 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 342-сонли қарорига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 52-сон, 562-модда) асосан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг 2016 йил 13 январдаги 10-5/75-сонли мурожаатини инобатга олиб, Тошкент шаҳар кўчаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар кўчаларидан фойдаланиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот, бошқарма ва корхоналар:

мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чоралар кўрилсин ҳамда мазкур қарор талабларига қатъий риоя қилинсин.

3. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов):

Тошкент шаҳар кўчаларидан фойдаланиш тартибини бузган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жазо чоралари кўрилиши таъминлансин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерный Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 26 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Қонун ва ижро

МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ ТЎЛА ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2014 йил 4 декабрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда мазкур қонуннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи И.Турғунов, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганини таъкидлади.

Қонунда жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги, бу ҳуқуқ ихтиёрий амалга оширилиши белгиланган. Электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин. Мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қонунни амалиётда самарали қўллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар ва тингловчилар иштирок этган тадбирда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда Омбудсманнинг роли, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, Ички ишлар вазирлиги тизимида мурожаатлар билан ишлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада қилиниши зарур бўлган вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА
ЎзА мухбири

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



ЗУЛФИЯ ДОИМО ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ҳа, Зулфияхоним барҳаёт сиймо, улар халқ қалбида, юрагида, эл орасида яшамоқда, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Хуршида Ҳакимова. – Шоиранинг шеърлари юракка жуда яқин. Мен ҳам аёл муҳаббати, жасорати, сабру қаноати, вафо ва ҳаёси билан барчамизга ўрнак бўлган, юртимиз учун сидқидилдан ҳалол меҳнат қилган, маънавиятимиз ва маърифатимизга муносиб ҳисса қўшган шоира номидаги юксак мукофотга сазовор бўлганимдан фахрланаман. Ана шу фахр ва ифтихор туйғулари билан яшаб она Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

Эл севган шоирлар ва Зулфияхоним издошлари томонидан ўқилган шеърлар, иқтидорли хонандалар ижросидаги куй ва қўшиқлар тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада ошириб берди.

Тадбир давомида шоира ҳайкали пойига қўйилган гулчамбарлар, гўё оламни гўзалликка, гулу чаманзорга буркаётгандай таассурот қолдириш билан бирга, ўз ҳаётини халқнинг бахту саодати, меҳру муҳаббати йўлида сарфлаган инсонлар ҳамиша эл ардоғида ва эъзозида бўлиб абадиятга дахлдор эканидан дарак беришини яна бир бор англатди,

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фелиса РОССЕЛИНИ, сайёҳ (Италия):

– Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Мамлакатингизга келиб, бу ердаги очиққўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик мавжуд.

Мода соҳасида фаолият юритаётганим боис қаерга бормай, шу соҳага, айниқса, хотин-қизлар либосларига алоҳида эътибор қаратаман. Мамлакатингизда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча зарур омиллар – иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб интеллектуал ғоялар мавжуд. Ўзбекистонда хотин-қизлар дид билан, ўзига хос услубда – миллий ва замонавий дизайнни уйғунлаштирган ҳолда кийинишига ҳавасим келди. Тошкентдаги дўконлардан ўзбек миллий либосларидан харид қилдим. Бундай гўзал ва бетакрор кийимлар Европада жуда қадрланади.

Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган айём билан муборакбод этаман.

Ракмини ГОУНДЕР, сайёҳ (Ҳиндистон):

– Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойлар, айниқса, музей ва галереялар мени ҳайратга солди. Миллий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналарини уйғунлаштирган маҳобатли иншоотлар, файзли кўча ва хиёбонлар, бетакрор маърифат масканларини таърифлашга сўз ожиз.

Ўзбекистонда хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш мақсадида қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратилаётгани эътиборга сазовор. "Гўзаллик салонлари", фитнес клублар ва рақс тўгараклари Ўзбекистоннинг шундоқ ҳам мафтункор аёлларининг янада латофатли ва соғлом бўлишига хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган байрам билан чин қалбимдан табриклайман.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

Шарқ аёллари азал-азалдан барча эзгу жиҳатлари – мардлиги, қаҳрамонлиги, гўзаллиги, ишдаги тадбиркорлиги, турмушда иффатли, ҳаёли бекалиги, ўзига хос лутфу карами билан дунёнинг барча қитъаларини лол қолдиргани тарихдан маълум.

СИЗЛАРГА ЯРАШАР МАРДЛИК, ШИЖОАТ!

Эзгулик, адолат ва қадрият, маънавият ва маърифатдан сабоқ бериб, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, миллат ва она Ватан шуҳратини етти иқлимга достон қилган Соҳибқирон Амир Темур, имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб аждодларимиз ақлу заковатининг жаҳоний парвози ҳам мушфиқ оналар меҳрининг, дуоларининг ижобатидир.

Турли масъул жабҳаларда хотин-қизларимизнинг фидокорона фаолияти, юртимиз истиқболига бўлган қатъий ишончу садоқати таҳсинга лойиқдир. Жонажон диёримизнинг сиёсий ва иқтисодий ривожи, жамиятимизнинг миллий-маънавий камолоти йўлида бизларга ҳамкору ҳамдаст бўлган шифокор, муаллима, муҳандис, олима, алоқачи, иқтисодчи, қишлоқ хўжалиги ва бошқа юзлаб касб соҳибалари бўлган аёлларимиз, мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аёлларимизнинг ўзига хос заҳматлари борлигини унутмаймиз. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган аёлларимизнинг мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларни турли кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ҳамда асоратларини ўз вақтида бартараф қилишда ҳиссалари катта.

Вазирлик тизимида кўп йиллардан буён хизмат қилаётган, шижоатли, юз-кўзларидан меҳр нури таралиб турадиган аёллар жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар қутқарувчи-халоскорлар билан ёнма-ён хизмат вазифасини ўтаб, фуқаролар муҳофазасини таъминлашдек ўта масъулиятли, шу билан бирга савобли ва хайрли юмушларни сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Айниқса, алоқа тармоғида фаолият кўрсатаётган эпчил, зийрак ва ҳушёр хотин-қизларимизнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Чунки энг шарафли ва масъулиятли вазифалардан бири – нажоткор ва халоскор қутқарувчиларимизнинг ишини мувофиқлаштириб туришда уларнинг ўзига хос хизматлари мавжуд. Улар шу соҳада узоқ йиллар ҳарбий хизматчилар билан ёнма-ён ишлаб, муайян тажриба тўпланганлар.

— Қутқарувчи-халоскорлар билан бир сафда туриб хизмат қилаётганимдан ғоят фахрланаман, — дейди "Олмос" алоқа тармоғи катта оператори, оддий аскар Барнохон Иноятова. — Ёшлигимдан форма кийиб, ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим. Мана ниятимга эришдим. Салкам ўн икки йилдан буён ҳарбий хизматдаман. Камтарона хизматларим ҳисобга олиниб, раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилдим. Энг муҳими, 2013 — "Обод турмуш йили"да вазирлигимиз ҳарбий хизматчиларига 32 оилага мўлжалланган турар жой биноси фойдаланишга топширилган эди. Шулар қаторида бизнинг оиламиз ҳам уй-жойли бўлди. Биз бундан жуда мамнунмиз.

Сержант Нодирахон Умарованинг ФВВ тизимида хизмат қилаётганига мана 15 йилдан ошди. Айни пайтда вазирликнинг фавқулодда вазиятларда бошқарув марказида навбатчи оператор вазифасида хизмат бурчини астойдил адо этиб келмоқда.

ФВВ ташкил этилганидан буён хизмат қилиб келаётган Марина Зернина ўз соҳасининг фидойиларидан бири. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машқларини ўтказиш, бу борада методик қўлланмалар яратиш, "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган асосий тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг заҳматли меҳнатлари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан Президентимизнинг Фармонига асосан "Жасорат" медали билан мукофотланди.

Таъкидлаш жоизки, алоқа ва хабар бериш тармоғи вазирликнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Нодирахоннинг хизматдошлари радио-телефонистлар – кичик сержант Оксана Шевченко, оддий аскар Юлия Ҳамидовалар ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирган тажрибали ходимлардир. Ҳатто "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отрядида ҳам хизмат қилаётган жасоратли хотин-қизларнинг борлиги ибрат тимсолидир. Ўзбек қизи сержант Назирахоннинг хизмат қилаётганига мана ўн икки йилдан ошди. Довондаги халоскорларимизнинг сиҳат-саломатлигидан хабардор бўлиб туриш отряд фельдшери Назира Худойбердиеванинг зиммасида. Қутқарувчиларнинг "Довон маликаси" дея таърифлаши ҳам бежиз эмас, албатта.

— Вазирлигимизда анча йиллардан буён хизмат қилаётган оддий аскар Барнохон опа Иноятова билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди ФВВ ходими, майор Йўлдош Жўраев. — Бағрикенг, камтарин, оқила аёл. Кўп йиллар шу даргоҳда орттирган билими ва тажрибасини янги келган ҳамкасбларига қунт билан ўргатишдан чарчамайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, она Ватанига содиқ, ўз сўзида собит, юрт шуҳратига шуҳрат қўшадиган, маънан юксак, нодир салоҳият эгаси бўлган фарзандларни тарбиялаш барча аёлларимиз, оналаримизнинг олий ниятидир.

Азамат СУЮНОВ, журналист

МАҲАЛЛА ОЗОДАЛИГИ АҲОЛИ НАЗОРАТИДА

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Акбаробод маҳалласида "Маҳалла ободлиги – юрт ободлиги" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ободонлаштириш соҳаси мутахассислари иштирок этди.

2013 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни юртимиз ободлиги, санитария-эпидемиология ҳолати барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳузурида ташкил этилган "Ишонч телефони" атроф-муҳит мусаффолиги бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, табиатга салбий таъсирларнинг олдини олиш, тозалик-озодаликни сақлашда муҳим омил бўлаётир. Мурожаатларда кўтарилган масалалар бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирни ташкил этишга ҳам Акбаробод маҳалласи аҳлидан тушган мурожаат асос бўлган.

Депутатлар ва экспертлар томонидан маҳалладаги экологик вазият ўрганилиб, чиқиндилар муаммосини бартараф этиш, атроф-муҳит ҳолатини барқарорлаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга оид ишларни кенгайтириш бўйича тавсиялар берилди. Маҳалла аҳли иштирокида ўтказилган давра суҳбатида мамлакатимиз экологик қонунчилигида табиий мувозанатни сақлашда фуқаролар зиммасига юкланган бурч ва вазифалар батафсил тушунтирилди. Жамоат экологик назоратини амалга ошириш механизмлари, аҳолини атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги ишларга кенг жалб этишда маҳалланинг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш хусусида фикрлашилди.

(ЎзА)





Муҳаммад Амин олган суратлар

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ДОИМО МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин" шиори остида навбатдаги тиббий-ижтимоий акция ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимизнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мазкур соғломлаштириш тадбиридан кўзланган мақсад тиббий соҳадаги ислоҳотларни аҳолининг қўйи бўғинига етиб боришини таъминлаш, фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишдан иборат.

Тадбир икки босқичда ташкил этилмоқда. Биринчи босқичда вилоятлардаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикка эҳтиёжманд аҳоли рўйхати шакллантирилди. Иккинчи босқичда пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, етакчи клиникаларнинг олим ва шифокорлари аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида ташкил этилган тиббий кўрикда Республика ихтисослаштирилган хирургия, кўз микрохирургияси марказлари, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Республика перинатал, аллергология марказлари ва вилоятдаги шифохоналарнинг олимлари ва малакали шифокорлар иштирок этмоқда.

Юқори Чирчиқ туманида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилма яратилган. Туман тиббиёт бирлашмасининг моддий-техник базаси йилдан йилга такомиллашмоқда. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва йигирмата қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

– Фарзандим Аброрбек икки ёшда. Унда туғма юрак хасталиги бор, – дейди ЎзА мухбирига Роботак қишлоғида яшовчи Камола Усмонова. – Пойтахтдан келган шифокорлар уни тиббий кўрикдан ўтказиб, соғломлаштириш бўйича тавсиялар берди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

Акция доирасида яқинда реконструкция қилинган туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлимининг очилиши бўлиб ўтди. Мажмуада туғруқ жараёнини замонавий тамойиллар асосида ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Туғруқ заллари ва интенсив терапия хоналари энг сўнгги русумдаги тиббий технологиялар билан таъминланган.

Тиббий-ижтимоий акцияда "Дори-дармон" акциядорлик компанияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Дори-дармон савдоси билан бир қаторда диспансер назоратида турувчи беморлар, ёлғиз кексаларга бепул дори-дармон берилди.

Баҳор ХИДИРОВА

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ АЁЛ — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

М.Ломоносов номли Москва давлат университети Тошкент филиалида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман юқоридаги мавзуга бағишланди.

Анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби ташкилотларнинг ҳудудий вакиллари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Анжуманда Республика хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига Болалар спортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан қуриладиган сув ҳавзаларининг замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда қурилиши кийим алмаштирадиган хона, душ хоналарининг бўлиши қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларига амал қилишда катта аҳамиятга эга эканлигини ва уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Оиладаги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат жамиятнинг бугунги куни, балки унинг истиқболи ҳам белгиланади, — дейди "Олима" уюшмаси раиси, тарих фанлари доктори Раҳбархон Муртазаева. — Оила мустаҳкам, тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамият барқарор ривожланади, унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабатлар, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Зеро, ақл-одоб инсоннинг маънавий қиёфасини ифода этади. Айнан оилада инсонларга хос маънавий ахлоқий тарбиялар ўзаро ҳурмат-иззат, ишонч, эътиқод туйғулари намоён бўлади.

Мазкур тадбир нафақат хотин-қизлар спорти ва саломатлиги билан боғлиқ масалаларни балки, миллатимиз эртаси, давомчилари бўлмиш қизларимизнинг бахтли келажагини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

* * *

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб ўтган тадбир ҳам "Соғлом аёл — миллат ғурури" деб номланди.

Тадбир "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди.

Анжуманни Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори Ж.Салиҳов ва Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Абдураҳимова кириш сўзи билан очиб берди.

Унда сиёсатшунос олима Ж.Шермуҳамедова "Глобаллашув даврида оилада аёл маънавий қиёфасининг долзарблиги", Ўзбекистон давлат тарихи музейи директори Ж.Исмоилова "Аёлнинг жамиятдаги ўрни", Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Д.Файзиева "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги — давр талаби", "Аҳила Шоҳина" МЧЖ корхонаси раҳбари С.Ҳакимова "Тадбиркор она — оиланинг ғурури" мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуман доирасида Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг фаол ва илғор хотин-қизлари институт маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 1 май куни берилган №08/10-517-сонли Тошкент шаҳар Ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш жамоат бирлашмасининг гувоҳномаси бекор қилинади ва иш фаолияти тугатилади ИНН (207078478).

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги телефон 239-04-37 орқали қабул қилинади.

2012 йил 20 сентябрда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 006974-04 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ENERCY LINE" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302139354) (қисқартирилган номи: "ENERCY LINE" МЧЖ) мулкдорининг 2016 йил 29 февралдаги қарорига асосан ихтиёрий тугатилмоқда. Аризалар 2 ой муддатда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 6-уйда қабул қилинади.

Спорт янгиликлари

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчиларимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари билан уларда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт тадбирлари режасига асосан Термиз шаҳрида спортнинг мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи босқич мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлардан республика ва халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган 23 нафар спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ташкил этилган мусобақага 350 нафардан ортиқ ёшлар томошабин сифатида ташриф буюрди. Улар мусобақа жараёнини кузатиш билан бир қаторда мураббийлар ва спортчилардан мотокросс спорти тури ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Шу билан бирга спортчиларнинг мотоцикларда кўргазмали чиқишлари ва пойгаларини ҳаяжон билан кузатишди.

— Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси ва ташкилотчилигида ўтказилган мазкур мусобақадан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, уларнинг спорт турларига бўлган қизиқишларини орттиришдан иборатдир, — дейди "Юнусобод ЎСТК" УК Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича директор ўринбосари Нигора Карабаева. — Ватанга бўлган муҳаббатни ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний чиниқтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шу жумладан спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб этиш, спортнинг мотокросс турининг оммавийлигини оширишда бу каби мусобақаларнинг ўрни катта.

Мусобақа якуний натижаларига кўра двигатель ҳажми 125 см ҳажмда бўлган мотоцикларда биринчи ўринни Тошкент вилоятидан Андрей Сазонов, иккинчи ўринни Тошкент вилоятидан Шевкет Сулейманов ва учинчи ўринни Бухоро вилоятидан Бекзод Ҳалимбоев қўлга киритди. Двигатель ҳажми 500 см³ ҳажмда бўлган мотоциклар ўртасида биринчи ўринни Тошкент вилоятидан Андрей Сазонов, иккинчи ўринни Жиззах вилоятидан Марсель Галиев ва учинчи ўринни Тошкент вилоятидан Шевкет Сулейманов эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Сурхондарё вилояти ва учинчи ўринни пойтахт вилояти вакиллари қўлга киритишди.

Мусобақа натижалари бўйича ғолиб чиққан спортчилар МК "Ватанпарвар" ташкилоти дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА



Муҳаммад Амин олган сурат

Пойтахтимизда шахмат бўйича 14, 16 ва 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги мамлакат чемпионати қизғин давом этмоқда. Унда юз элликдан зиёд иқтидорли шахматчи ўзаро баҳслашмоқда.

АҚЛ БАҲСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

14 ёшгача ўғил болалар ўртасида ўтказилган олти тур натижаларига кўра, хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев пешқадамлик қилмоқда. У олти имкониятдан 6 очко жамғарган. Қашқадарёлик Абдумалик Абдусалимов ва сурхондарёлик Муҳаммадали Абдураҳмонов 5 очко билан кучли учликда бормоқда.

Қизлар баҳсида навоийлик Ситора Сапарова мағлубиятсиз ўйнамоқда. У олти партиянинг бештасида ғалаба қозониб, биттасида дуранг ўйнади ва 5,5 очко жамғарган ҳолда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда самарқандлик Зебо Усмонова (5 очко), учинчи ўринда пойтахтлик Лейла Ким (4,5 очко) бормоқда.

Ўн олти ёшгача ўғил-қизлар ўртасида бешта тур учрашувлари ўтказилди. Ўғил болалар ўртасида тошкентлик Ортиқ Ниғматов 4,5 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, қизлар ўртасида етакчилик қилаётган Нилуфар Ёқуббоева ҳисобида ҳам 4,5 очко бор.

Ўн саккиз ёшгача ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Одил Раҳмон ва фарғоналик Иброҳим Эминов олти имкониятдан беш очко тўплаб, биринчи ва иккинчи ўринларда бормоқда. 4,5 очко жамғарган самарқандлик Далер Воҳидов кучли учликдан жой олган.

Қизлар ўртасида тошкентлик Баҳора Абдусатторова олти партиянинг барчасида ғалаба қозонган. Баҳорадан 1,5 очко кам жамғарган навоийлик Озода Раббимова ва 4 очкога эга самарқандлик Хуршида Аълоева иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб турибди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA)нинг Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) ва ярим профессионал боксчилар (APB) йўналишлари бўйича турнирлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз бокс федерацияси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Пуэрто-Рико, Испания, Руминия, Хорватия, Ҳиндистон, Мўғулистон ва Қозоғистондан чарм қўлқоп усталари ўзаро куч синашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари, жумладан, боксни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда улкан ғалабаларга эришмоқда. Бу пойтахтимизда ўтган турнирда ҳам ўз исботини топди.

WSB йўналишидаги дастлабки кунги баҳсларда мамлакатимизнинг "Uzbek Tigers" жамоаси Пуэрто-Риконинг "Puerto Rico Hurricanes" жамоаси устидан 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўз вазн тоифасида Аброр Қодиров Сейбер Авиллани, Элнур Абдураимов Стивен Руидиазни, Достон Турдиев Самуэль Кеденани, Шуҳрат Абдуллаев Хуан Кариллони, Сардор Абдуллаев Валавикус Мантасни мағлубиятга учратди.

Ушбу йўналишдаги навбатдаги беллашувда "Uzbek Tigers" жамоаси Қозоғистоннинг "Astana Arlans" жамоасини 4:1 ҳисобида енгди.

Ҳамюртларимиздан Ҳасанбой Дўсматов Темиртас Жусуповни, Абдулҳай Шораҳматов Мейрбўлат Тоитовни, Фазлиддин Мелибоев Асхат Уалихановни, Мирзабек Ҳасанов Еркин Муҳаммеджанни мағлуб этди.

– Халқимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандмиз, – дейди М.Ҳасанов. – Бу ғалабаларимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш, биз, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятимизни юзага чиқариш учун яратилган шароитлар натижасидир.

APB йўналишидаги беллашувларда рингга чиққан Жасурбек Латипов мўғулистонлик Ганзулам Мунгун Эрденени, Дилшод Маҳмудов испаниялик Юба Ндиайе Сиссокхони, Исроил Мадримов ҳиндистонлик Викас Кришан Ядавни, Зуҳриддин Маҳкамов руминиялик Александр Македонни, Улуғбек Мубинов хорватиялик Марин Миндолевични енгди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

ЁШЛАР ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг талабалар турар жойида "Кимёвий технология" кафедраси томонидан "Ёшлар – диний экстремизмга қарши" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг тарбиясига эътиборли бўлиш, ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, ёшларнинг диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашга қаратилди, — дейди "Кимёвий технология" кафедраси мудири, доцент Ирода Набиева. — Маълумки, ёшлар тарбияси ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Уларнинг билим ва тафаккурини маърифат билан бойитар эканмиз, юртимиз равнақига улкан ҳисса қўшиб, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

Шунингдек тадбир доирасида институт талабаларининг ушбу мавзуга оид фикрлари тингланди ва улар асосида савол-жавоблар ўтказилди. Бунинг натижасида ёшларнинг билим ва тажрибалари қай даражада эканлиги янада аён бўлди.

Ёшларни мафкурамизга ёт бўлган турли хил иллатларга қарши курашиш ҳамда уларнинг онгига эзгу ва маънавий ғояларни чуқур сингдиришимиз зарур.

Ушбу давра суҳбати қизғин ва таассуротларга бой тарзда якунланди. Тадбирга ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб олишди.

Роза АРТИКБОЕВА, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 2-босқич талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги "Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДК Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уйда жойлашган бинода видео кузатув, бино қисмини таъмирлаш ва Марказ балансидаги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинонинг кириш қисмига темир эшик ўрнатиш бўйича тендер эълон қилинади.

Тендерга таклифлар 2016 йил 5 мартгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 236-39-94, 233-35-49.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали қуйидагиларни маълум қилади!

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 9 февралдаги 28 (13.091)–сонида берилган хабарномада 2016 йил 14, 22, 29 март кунлари аукцион савдосига қўйилган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчаси манзилида жойлашган икки қаватли маросимлар ўтказиш ва умумий овқатланиш мажмуасига мўлжалланган, қурилиши тугалланмаган 425 000 000 сўмлик бино ва иншоотларнинг аукцион савдоси 2016 йил 14, 22, 29 март кунлари ўрнига 2016 йил 14, 17, 22, 25, 29 март кунлари деб ўқилсин. 2016 йил 17, 25 мартдаги такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 15, 23 март кунлари соат 18:00.

Асос: ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2016 йил 15 февралдаги МР-11/762-сонли хати. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Мамлакатимизда болалар, аёллар ва оилавий спорт жамоаларини шакллантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Албатта, бундай ишларнинг амалга оширилишида касаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси катта, десак муболаға бўлмайди.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Куни кеча пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Қушбеги даҳасида жойлашган 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан тумандаги турли ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига қизиқишини ошириш мақсадида оилавий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада тармоқ ташкилотларидан Таълим, фан ва маданият, Соғлиқни сақлаш, Агросаноат мажмуи, Нефть-газ ва геология, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимларидан иборат касаба уюшмалари ташкилотлари қатнашди.

– Бундай спорт мусобақаларини ташкил этишдан асосий мақсад ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали ўз саломатлигига масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат. Қолаверса, ҳар бир ходимнинг соғлиғидан бохабар бўлиб туриш касаба уюшмаларининг вазифаси ҳисобланади. Шундагина ишчи-хизматчиларнинг ишида унум, оиласида тотувлик ҳукм суради. Ана шундай спорт байрамлари тез-тез уюштириб турилишига тилакдошмиз, – дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Гулноза Тошпўлатова.

Мусобақа натижаларига кўра, 1-ўринни Исаевлар ва Сафиғлар, 2-ўринни Аҳмедовлар ва Ариповлар, 3-ўринни Раҳматовлар ва Рўзиевлар оилалари қўлга киритишди. Шунингдек, мусобақада "Фаол иштирок этган оила" номинациясида Каримовлар оиласи ғолиб бўлган бўлса, Халиловлар оиласи эса "Энг чаққон оила" деб топилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи футбол ишқибозларига ажойиб туҳфа ҳозирламоқда.

ИШҚИБОЗЛАРГА ТУҲФА БЎЛАДИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг ноширлари "Бир жамоа — бир орзу!" Ўзбекистон миллий терма жамоаси" номли китобни нашрга тайёрлашни режалаштиришмоқда. Китобда миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатларига саралаш ўйинларидаги иштироки, ҳозирги таркиби, рекордчилари, бош мураббийлари, етакчи ўйинчилари, барча ўйинлари статистикаси, ФИФА рейтингидаги турли хил қизиқарли рейтинглар, мағлубиятсиз сериялар, энг яхши натижалар ҳақидаги маълумотлар жой олган.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОА САФИДА

Яқиндагина пойтахтимизда футзал бўйича Осиё чемпионати якунланди.

Шу муносабат билан Осиё чемпионатининг рамзий терма жамоаси эълон қилинди. Ундан Ўзбекистон терма жамоасининг икки нафар аъзоси Рустам Умаров ва Дилшод Раҳматов жой олди.

Маълумки, жорий йилнинг 10 сентябрь – 1 октябрь кунлари Колумбияда футзал бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА КИМЛАР БОРАДИ?

Нуфузли турнирда 24 та терма жамоа 6 гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Гуруҳ ғолиблари ва 3-ўрин соҳибларидан 4 та энг яхши кўрсаткичга эга бўлган терма жамоалар нимчорак финалга йўлланма олади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 март** ва **4 март** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9251

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ